



ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ИННОВАЦИОН
ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
МАРКАЗИ



ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА
РЕЖАЛАШТИРИШ

Ўқув қўлланма

Тошкент-2011

Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий кўлланма. Инновацион таълим технология серияси. – Т.: “Иқтисодиёт” нашр., 2011. 206 б.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги ўқув-услубий бирлашманинг қарорига мувофиқ нашр этилмоқда.

Ўқув кўлланма малака ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими ходимлари, шунингдек, олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқитувчилари учун мўлжалланган. Ундан “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” курсини ўрганишда ОЎЮ магистрлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Биринчи қисм иқтисодиёт таълимида таълимни технологиялаштиришнинг асосий категориялари (туркумлари) ва тушунчалари билан таништиради. Бу ерда таълимда технологик ёндашувнинг моҳияти баён этилади, маъруза ва семинарларни ташкиллаштиришнинг технологик ёндашуви ёритиб берилади.

Иккинчи қисмда маъруза, семинарлар ва амалий машғулотларнинг ҳаммуаллифликдаги таълим технологиялари баён этилган. Улар ўқув курсининг алоҳида мавхулари учун таълим технологиясини лойиҳалаштиришда ва режалаштиришда намуна сифатида хизмат қилади.

Иқтисод фанлари доктори, профессор А.Ш. Бекмуродовнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

педагогика фанлари доктори, профессор Сейтхалилов Э.А.
педагогика фанлари номзоди, доцент Хашимова М.
экономика фанлари номзоди, доцент Назарова Ф.

© Л.В. Голиш, Д.М. Файзуллаева, 2011

© ТДИУ, “Иқтисодиёт” нашр., 2011

ЮНЕСКО томонидан тан олинган педагогик технология окими 30-йилларда АҚШда пайдо бўлди ва 70-80 йилларда барча ривожланган мамлакатларни қамраб олди.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мўлжалланган мажмуали техник воситаларнинг яратилишида намоён қилади.

Ҳозирги вақтда “педагогик технология таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълимий самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли орқали, йўл ва материалларни тузиш ҳамда қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш орқали таълим жараёни тамойилларини аниқлаш ва энг мақбул йўллариини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотдир” (Международный ежегодник по технологии образования и обучения, 1978/79. Лондон, Нью-Йорк, 1978).

Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаол усуллар ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Лекин таълимий жараёни технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи бажара олиши мумкин.

Технологик билимлар тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

➤ *тушунчага оид қисм* - технологиялаштиришнинг мураккаброқ бўлган тоифа ва қондларини ўрганишга йўл;

➤ *таълим технологиясининг таркибий қисми ва ҳаракатланувчи тузилма* - таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча;

➤ *таълимий технологияларнинг концептуал асослари* - ҳар қандай таълим технологияси негизига педагогик ва психологик фанлар ютуғида ифодаланган педагогик ғоя асос бўлади;

➤ *мақсадни белгилаш* - педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўқув фаолиятининг якуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳалаштириш мумкин;

➤ *таълим бериш модели* – мақбул йўл (усул ва шакл)лар ва воситалар йиғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вақтда объектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича кўзланаётган натижаларга эришиш қафолати;

➤ *бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси* - башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув хулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг.

Сиз таълим беришни технологиялаштириш асосини ўрганишни бошлашингиздан аввал, қуйидаги *маслаҳат ва тавсияларга* эътиборингизни қаратинг.

1. Технологиялаштириш асосида ифодаланган ва бу билан албатта сиз танишишингиз зарур бўлган қондалар, шу заҳоти сизга тушунтириш бермайди.